

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА КРЕАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯЛАР ВА УЛАРНИ ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ФАОЛИЯТИГА АМАЛИЙ ТАДБИҚ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

КРЕАТИВНЫЕ КОМПЕТЕНЦИИ В ПРОЦЕССЕ ГЛОБАЛИЗАЦИИ И ПУТИ ИХ ПРАКТИЧЕСКОГО ПРИМЕНЕНИЯ В САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ УЧЕБНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СТУДЕНТОВ

CREATIVE COMPETENCES IN THE PROCESS OF GLOBALIZATION AND THE WAYS OF THEIR PRACTICAL APPLICATION IN STUDENTS' INDEPENDENT LEARNING ACTIVITIES

Акбарова Сайёра Шухратовна –

Тошкент давлат иқтисодийёт университети
таянч докторанти, Ўзбекистон

Аннотация: Ушбу мақолада глобаллашув жараёнида креатив компетенциялар ва уларни мустақил таълимга қўллаш йўллари ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунингдек талабалар креатив компетенцияларга эга бўлишлари учун улардан таълим – тарбия жараёнида анъанавий ёндашувлардан фарқли янги ғоялар ҳақида фикрлаш, ўзига хослик, ташаббускорлик талаб этилиши ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: касбий компетентлик, креатив компетенция, мустақил таълим, педагогик компетентлик, танқидий фикрлаш, ижодкорлик, изланувчанлик, ташаббускорлик.

Аннотация: В статье представлены сведения о креативных компетенциях в процессе глобализации и способах их применения в самостоятельном обучении. Также приводятся данные, что для овладения креативными компетенциями студентам необходимо в отличие от традиционного подхода мыслить на основе новых идей, формировать своеобразие и инициативность.

Ключевые слова: профессиональная компетентность, креативная компетентность, самостоятельное образование, педагогическая компетентность, критическое мышление, креативность, любознательность, инициативность.

Abstract: The article provides information about creative competencies in the process of globalization and how to use them in independent learning. It also provides data that in order to master creative competencies, students, unlike the traditional approach, need to think on the basis of new ideas, form originality and initiative.

Keywords: professional competence, creative competence, independent education, pedagogical competence, critical thinking, creativity, curiosity, initiative.

Кириш

Бугунги кунда таълим тизимида таълим – тарбия жараёнининг барча имкониятларидан фойдаланган ҳолда шахсни ривожлантириш, ижтимоийлаштириш мақсадида талабаларда мустақил ишлаш, изланувчанлик ва яратувчанлик қобилиятларини ривожлантириш, танқидий ва ижодий фикрлаш компетенцияларини тарбиялашга йўналтирилган илмий – тадқиқотларга аҳамият берилмоқда.

Мамлакатимиз педагог олимлари томонидан педагогик креативликни самарали ўзлаштирилиши учун зарур шарт – шароит-

ларни, усуллар ва воситаларни яратиш ҳамда ўқув жараёнини ташкил этишда инновацион – креатив ёндашувни қўллаш тўғрисида кўпгина илмий изланиш олиб боришган ва яратган натижавий ишланмаларни таълим тизимида тадбиқ этилмоқда. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, амалдаги таълим тизимида аудитория машғулотларига асосий эътибор қаратилиб, талабаларнинг креатив компетенцияларни ривожлантиришда муҳим бўлган аудиториядан ташқари машғулотларга, яъни талабанинг мустақил ишлашига жиддий эътибор қаратилмаган. Чунки, ушбу фаолият

шакллари ва турлари таълим берувчилар томонидан чуқур ўзлаштирилмаган.

Мустақил ишлаш жараёнида талабаларнинг креатив компетенцияларини ривожлантиришнинг педагогик муаммоларини амалдаги ҳолатини ўрганишда талабаларнинг муҳим компетенциялари тушунчаларига аниқлик киритиш ҳамда касбий компетентлик тушунчасига аҳамият бериш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мавзуга оид адабиётларни таҳлил этар эканмиз, педагог олим Н.А. Муслимов бошчилигидаги тадқиқотчилар педагогик компетентлик ва педагогик креативлик асослари, ҳамда бўлажак профессионал ўқитувчиларнинг касбий профессионалигини шакллантириш ва ошириш бўйича қатор изланишлар олиб боришган. Н.А.Муслимов ўз асарларида “компетентлик” ва “касбий компетентлик” тушунчалар моҳиятини аниқ ифода қилган [1,2,3].

Педагогик компетентлик негизини ҳам касбий компетентлик сифатлари ташкил этади. Бир қатор тадқиқотларда хусусан А.К.Маркова, Б.Назаровалар изланишларида педагогга хос касбий компетентлик, унинг таркибий асослари ва хусусиятлари ўрганилган.

З.Т. Раҳимов илмий изланишлари натижасида педагогнинг таълим-тарбия жараёни самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи педагогик компетентлик ва унинг зарурияти масалаларини асослаб берган [4].

Педагог олима О. Мусурмонованинг таълим-тарбия назариясига боғлиқ ўз дарслигида [5] педагогик компетентлик масалалари, айниқса ўқитувчиларнинг фанлар бўйича компетентликка эга бўлишлигини алоҳида кўрсатиб ўтган. Дарсликда касбий компетенциялар, педагогнинг касбий компетенциялари, фанлар бўйича айниқса умумий фанлар бўйича махсус компетенциялар, уларнинг тасниф ва таърифлари, уларни таълим иштирокчиларида шакллантириш босқичлари ва педагог касбий компетентлиги йўналишларини асослаб берилган.

Россия педагог олимларидан М.М. Кашапова, Т.В. Киселева, Т.В. Огородовалар [6] назарий тузилмалар ва ғоялар билан амалий таклифлар орасидаги алоқадорликларни тадқиқ қилиш асосида педагогнинг касбий

креативлигини шакллантириш жараёнини назарий методологик асосларини, касбий креативликни сифатлари ва функционал вазибаларини, шакллантириш критерияси ва даражасини, креативликни самарали шакллантириш тамойилларини, усуллари ва шaroитларини аниқлаб беришган.

Педагог олим И.Е. Брякова [7] педагог – адабиётшуноснинг креатив компетенцияси талаба-филолог адабий-ижодий қобилиятини ривожлантириш омили эканлигини, айниқса таълимни рақамлаштириш даврида педагогнинг креатив компетентлиги – бу таълимни янги вектори эканлигини кўрсатиб берган.

Педагог олим Н.А. Муслимов ўз тадқиқотларида педагогик компетентлик ва педагогик креативликнинг тузилиши ва мазмуни, унинг ўзига хос жиҳатлари, педагогик креативлик потенциали ва унинг даражасини аниқлаш мезонлари масалаларини ёритиб берган [2]. Тадқиқотларда алоҳида эътибор педагог ва талабаларда компетентлик ва креативликни ривожлантиришга қаратилган ҳамда талабаларда танқидий, ўзини-ўзи (мотивацион, интеллектуал, амалий-фаолиятли, фаол коммуникатив ва жамоавий иш) компетенцияларини ривожлантириш йўллари ҳамда креатив фикрлашни шакллантириш усуллари (дизайн-фикрлаш, скампер ва хоказо) кўрсатилган [3].

Педагог тадқиқотчи А.И. Авазбоев ўз тадқиқотида [8] талабаларда креативлик сифатларини ривожлантиришнинг самарали йўллари, креативлик сифатларига эга бўлишлари учун ўқув ва тарбия жараёнида янги ғояларини яратиш ҳақидаги фикрларини келтирган. Муаллиф креативлик бўйича олиб берилган тадқиқотлар ва креативлик назариячиларининг, айниқса М. Усмонбоева, М. Турдиева ва М.Муслимов ишлари асосида креатив компетенцияларни ривожлантиришнинг бир қатор йўллари мавжудлигини кўрсатиб берган.

Педагог олима Г.Н. Ибрагимова талабаларда креатив компетенцияларни ривожлантиришда интерфаол ўқитиш методлари ва технологияларини қўллашга доир илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиққан [9].

Талабалардаги креативлик қобилиятларини ривожлантириш жараёнида интерфаол таълим жараёни аҳамиятли са-

налади. Тадқиқотчи Ш.Х. Позилова ўз тадқиқотларида[10] педагогларнинг креативлигини ривожлантиришга қаратилган KWHL (Know? What? How? Learn?), Кьюбинг, SCAMPER (Substitute, Combine, Adapt, Modify/Magnify, Put to other uses, Eliminate, Rearrang/Reverse) каби ўқитишнинг интерфаол усуллари асосида яратилган инновацион – методик характердаги методлардан, ҳамда дизайн – фикрлаш технологияси воситаларидан фойдаланишнинг имкониятлари аниқланган ва ўқув жараёнига тадбиқ этилган.

Тадқиқотчилар Б. Сиддиқов ва Э. Абдуллаевлар ўз мақоласида талабаларда креативлик сифатларини[11] ривожлантиришга таъсир этувчи ижтимоий омиллар, талабаларда креатив фикрлашни шакллантириш йўллари ва шакллари, унинг мезонлари ҳақида фикр юритади.

Тадқиқотметодологияси. Мазкур ишда талабаларнинг креатив компетенцияларини мустақил таълим жараёнида ривожлантириш асослари ўрганилди. Тадқиқот давомида тизимли ёндашув ва таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, креативликни ижодга интилиш, ҳаётга ижодий ёндашиш, танқидий назар солиш ва таҳлил қилиш дейиш мумкин. Талабалар креатив компетенцияларга эга бўлишлари учун улардан таълим – тарбия жараёнида анъанавий ёндашувлардан фарқли янги ғоялар ҳақида фикр юритиш, ўзига хослик, ташаббускорлик талаб этилади.

Глобаллашув жараёнида таълим олувчиларда креативликни ривожлантириш таълим мазмунини ўзлаштиришда таълим олувчиларнинг билим савияси, ўзлаштириш даражаси, таълим манбаи, дидактик вазибаларига қараб, муносиб равишда ўқитиш жараёнини ташкил этишни талаб қилади.

Талабанинг креативлиги амалга ошириладиган тадбирлар самарадорлигига ёрдам беради. Бу креативлик инсоннинг нафақат ўз ишини сифатли бажариши, балки янги имкониятларни излаш ва уларни ҳар қандай шароитда ҳам амалга оширишига қизиқиши билан белгиланади; у ҳар қандай вазиятда тезда ностандарт қарорларни қабул қилишга ва ҳар қандай фаолиятни ташкил этиш ва

бажаришга кўпроқ куч ва иштиёқ билан ёндашишга қодир. Шуни таъкидлаш керакки, креативлик нафақат амалга ошириладиган фаолиятга, балки талабаларнинг ўз шахсиятларини ривожланишига ҳам таъсир қилади. Креативлик ўзини-ўзи англаш, такомиллаштириш ва касбий фаолиятни муваффақиятли амалга ошириб, карьера босқичларидан кўтарилишга олиб келади.

Таълим олувчилардаги креативлик қобилиятларининг ривожланганлик даражасини аниқлашнинг қуйидаги мезонлари мавжуд: креатив фаолиятга нисбатан мотивациянинг қарор топганлиги; креатив фикрлаш кўникмаларининг ривожланганлиги; креатив сифатларнинг шаклланганлиги; амалий креатив фаолият жараёнини ташкил этиш; ихтисослашган креативликнинг шаклланганлиги ва бошқалар.

Креативлик турли вазиятларда таълим ва тарбияга оид масалала юзасидан қарорларни қабул қилишда яққол намоён бўлиб, у педагогнинг ижодий фаоллигини тавсифлайди. Педагогнинг креативлиги эса унинг замонавий педагогик ҳамда рақамли технологиялар асосида ўқув жараёнини ташкил этиш, фанлар бўйича назария ва амалиётни бирлаштириш, ўқитишнинг янги усул ва воситаларини яратиш, ўз билим ва маҳоратини ошириш бўйича доимий равишда илмий изланишлар билан шуғулланиш, инновацион ғояларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш каби ижодкорлик қобилияти билан белгиланади.

Талабаларнинг компетенцияларини ривожлантиришнинг амалдаги ҳолати бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида компетенция ва компетентлик масалаларига оид илмий-амалий назарияларни таҳлили ва олий таълимнинг Давлат стандартларидаги таълим соҳалари битирувчиларининг компетенция даражасига қўйиладиган умумий талаблар асосида талабаларнинг муҳим компетенциялари белгиланди. Бевосита таълимда талабаларга хос бўлган компетенциялар ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари бир қатор тадқиқотларда ўрганилган бўлса ҳам олий таълимда компьютер технологияларини кенг қўлланиши ва таълимда кредит – модуль тизимига ўтилиши талабаларнинг креатив ва мустақил билим олиш компетенцияларини бир-бирига

алоқадорликда ривожлантириш усуллари ва алгоритмларига аҳамият беришни талаб қилади.

Талаба креативлигининг компонентларини мазмунан таҳлил қилиб талабаларда ривожлантирилиши лозим бўлган креатив компетенцияларни икки гуруҳга, яъни талабаларнинг шахсий креативлигини ривожлантирувчи ва касбий креативлигини ривожлантирувчи компетенцияларга ажратишни лозим топдик.

Талабалар шахсий креативлигини ривожлантирувчи компетенциялар мутахассис меҳнат фаолиятини замонавий талаблар асосида онгли ва мақсадли, билимли ва мустақил равишда фаол ва тез қарор қабул қилган ҳолда, бой тасаввурлар ва ҳис-хаяжонни ишлатиб, жамоа билан мулоқотли ва ҳаётий ҳолда амалга ошириш учун зарур бўлган фазилатлардир.

Талабалар касбий креативлигини ривожлантирувчи компетенциялар уларнинг эгаллаган мутахассислиги бўйича меҳнат фаолиятини мантиқий ва танқидий фикрлаш асосида, касбий муаммоларини ноанъанавий ва ўзига хос тарзда ҳал қилган ҳолда, замонавий инфорацион ва технологик воситалар ёрдамида, инновацион – ижодий ёндашиб изланувчанлик ҳамда яратувчанлик билан амалга ошириш учун зарур бўлган кўникмалардир.

Талабаларнинг креативлигини ривожлантириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш давомида талабаларда танлаган соҳасининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда соҳа келажагини тасаввур қилиш қобилиятини шакллантириш муҳим аҳамиятга эгаллиги аниқланди.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб, глобаллашув жараёнида мустақил таълимга кенг ўрин бериш талабаларнинг креатив компетенцияларини ривожлантиришнинг асосий омили эканлигини айтиш мумкин. Талабаларни мустақил ишлаши уларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб шаклланишида самарали таъсир кўрсатади.

Юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда қуйидаги хулоса ва таклифларни келтирамиз:

Биринчидан, талабалар асосий компетенцияларининг турларини таҳлил қилиш

натijasида касбий компетенциялар туркумига кирувчи креатив компетенциянинг компонентлари белгиланди, уларнинг мазмун моҳияти аниқлаштирилди ҳамда уларни ривожлантириш зарурияти асослаб берилди.

Иккинчидан, мамлакатимизнинг жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда янги жамиятни яратувчи талабаларда ижодкорлик ва изланувчанлик, ностандарт вазиятларда мустақил равишда қарор қабул қила олиш, турли жараёнларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, хорижий тилларни эгаллаш ва компьютер технологияларидан фойдаланиш каби ақлий ва амалий фаолиятда ўзининг индивидуал услубларига эга бўлиш имконини берадиган мустақил ишлашни ташкиллаштириш ва муҳим компетенцияларини ривожлантириш методикасини яратиш лозим.

Учинчидан, адабиётлар таҳлили шунини кўрсатадики, компетенция ва компетентлик тушунчаларига умумий ҳолда аниқликлар киритилган бўлса ҳам тадқиқотчилар томонидан бир ҳил таҳлил этилмаган. Бу эса замонавий шахс кўникмаларига қўйилаётган талаблар асосида компетенцияларни чуқурроқ ўрганишни, уларни таснифлашни ва ривожлантириш усуллари яратишни тақазо этади.

Тўртинчидан, креатив компетенцияларни сифатлари ва уларни ривожлантиришга оид фикрларни таҳлили шунини кўрсатадики, талабаларда креативликни ривожлантириш зарурияти, зарурий компонентлар ва улар орасидаги алоқадорлик, креативликни шакллантириш ва ривожлантириш усуллари ҳамда воситалари каби масалалар тўлиқ ёритилмаган.

Бешинчидан, таҳлил ва изланишлар натijasида талабалардаги креатив компетенцияларнинг бир-бирига боғлиқ компонентлари аниқлаб берилди ҳамда таълимнинг кредит-модул тизимида талабаларнинг мустақил ишлаши ва креатив фикрлашини самарали ташкил этиш лозимлиги кўрсатилди [14].

Хулоса қилиб айтганда, таълим олувчиларнинг ёш даврларини ҳисобга олган ҳолда креатив хусусиятларини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш ва уни

амалиётга тадбиқ этиш, таълим олувчиларнинг креатив компетенцияларини ривожлантиришда таълим муассасалари интеграциясини ҳисобга олиш, педагоглар ва ота-оналар учун барча ёшдаги болаларнинг креативлик компетенцияларини ўрганиш ва ривожлантириш учун услубий қўлланмалар яратиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Муслимов Н.А., ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси/ Монография. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2013.
2. Муслимов Н.А ва бошқалар. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 120 – .2015 б.
3. Муслимов Н.А., Ишмухамедов Р.Ж., Тўраев А.Б. “Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш” модули бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Т., 2021.–108 б.
4. Рахимов З.Т. Педагогик компетентлик таълим жараёни ривожланишининг муҳим омили сифатида //Современное образование (Узбекистан). – 80) 7 .№ – .2019). – С. 8-3.
5. Umumiy pedagogika. Qism I: darslik / O.Musurmonova [va boshq.]. – Toshkent: Yoshlar nashriyot uyi, 2020. – 376 b.
6. Креативность как ключевая компетентность педагога. Монография / Под ред. проф. М.М. Кашапова, доц. Т.Г. Киселевой, доц. Т.В. Огородовой. Ярославль: ИПК «Индиго», 392 – .2013 с.
7. Брякова И. Е. Креативная компетентность педагога – новый вектор развития образования //Педагогический имидж. – 44) 3 .№ – .2019).
8. Авазбоев А.И., Пардабоев Ж.Э. Талабаларда креативлик сифатларини ривожлантиришнинг самарали йўллари //Современное образование (Узбекистан). – 8 .№ – .2018.
9. Ибрагимова Г. Н. Олий таълим тизимида интерфаол технологиялар воситасида талабалардаги ижодий фикрлашни ривожлантириш //Современное образование (Узбекистан). – 4 .№ – .2017.
10. Позилова Ш.Х. Олий таълим муассасалари тингловчиларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида креатив ўқитиш методикаси. Дисс. –2019, 169 б.
11. Сиддиков Б., Абдуллаев Э. Talabalarda kreativlik sifatlarini rivojlantirish //Общество и инновации. – 2021. – Т. 10 .№ – .2/S. – С. 360-353.
12. Хакимова М. Ф. Организационно-педагогические условия подготовки педагогических кадров в условиях цифровизации образования //Наука и образование сегодня. – 2 .№ – .2022 71)). – С. 72-70.
13. Мусаханова Г. Бўлажак мутахассисларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш //Экономика и образование. – 2022. – Т. 2 .№ – .23. – С. 311-307.
14. Шухратовна А. С. Кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил ишлашининг аҳамияти //Current issues of bio economics and digitalization in the sustainable development of regions. – 2022. – С. 611-614.

RESULTS OF STUDY AND ANALYSIS OF THE PSYCHO-EMOTIONAL STATUS OF THE UNEMPLOYED

Lutfullaeva Nigora

Tashkent State University of Economics
Associate Professor of Innovative Education

Annotation: By the authors of this article Psycho-emotional states of the unemployed aged 18-60 years, an analytical approach to the problem of unemployment, functional structures of mental states in the unemployed and situations related to the expectations of the unemployed are covered.